



26 - Май 2020 йил

№ 1330/5

Фуқаро Иброгимов Умар Исмаиловичга
баликчилик йўналишида фермер хўжалик
ташқил қилиш учун ижарага ер майдони
ажратиб бериш тўғрисида

Фуқаро Иброгимов Умар Исмаиловичга баликчилик йўналишида фермер хўжалик ташқил қилиш учун ижарага ер майдони олиш бўйича танловда катнашишга рухсат беришни сўраб ёнган аризасини, тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташқил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг баёнини ҳамда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53 - моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ҳамда "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.Тумандаги, давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташқил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг танлов натижалари бўйича қабул қилган йиғилиш баёни қарори маъқуллансин.
- 2.Мухомон қишлоғи ҳудудидан танловга қўйилган №24-лойиха бўйича Иброгимов Умар Исмаилович танлов ғолиби деб топилсин ва унга Мухомон қишлоғи ҳудудидан, қишлоқ хўжалик ер харитасининг № 41, 195, 196, 197, 508к, 509, 512к, 513к-контурлардаги жами 36,8 гектар (шундан суғориладиган экин ерлар 21,8 гектар, бўз ерлар 1,0 гектар, ариқ ва зовурлар 0,3 гектар, йўл ва уватлар 0,4 гектар, кўллар 6,5 гектар, бошқа ерлар 6,8 гектар) ер майдони баликчилик йўналишидаги фермер хўжалик ташқил қилиш учун 49 йил муддатга ажратиб берилсин.
- 3.Давлат хизматлари маркази директори (Б.Рўзметов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ташқил этиш учун ҳужжатларни рўйхатга олиш топширилсин.
- 4.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Сабилов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойни ўзида (натурала) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.
- 5.Фуқаро Иброгимов Умар Исмаиловичга баликчилик йўналишида фермер хўжалик ташқил қилиш учун ер майдони ажратилиши муносабати билан банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.
- 6.Ушбу қарор халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.
- 7.Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.
8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

Ў.Машарипов